



28.03.2019



20 март куни “Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди. Унда Тошкент шаҳрида АҚШдаги Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш маркази ташкил этилиши белгиланди. Бугун хорижий мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари тажрибасини мамлакатимиз таълим соҳасида қўллаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада юртимизда қатор етакчи чет эл университетларининг филиаллари ташкил этилаётганини ҳам алоҳида тилга олиш керак. Мазкур Қарорда белгиланган вазифалар шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг давоми бўлиб, у орқали таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали кадрларни тайёрлаш назарда тутилмоқда.

Марказнинг асосий вазифаси ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик, табиий фанлар ва педагогика соҳаларида халқаро стандартлар даражасида кадрлар тайёрлаш ҳисобланади.

Марказ олий таълим муассасаси бўлиб, бакалаврият, магистратура босқичларида, малака ошириш, қайта тайёрлаш, шунингдек, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни амалга оширади.

Таълим кундузги шаклда, тўлов-контракт асосида, инглиз тилида амалга оширилади. 2019/2020 ўқув йилидан талабалар қабул қилинади ва битирувчиларга диплом берилади. Қабул квотаси кадрлар эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади. Қарор билан Марказда бакалавриятнинг қуйидаги йўналишлари очилиши белгиланди:

- бошқарувнинг ахборот тизимлари;
- интерфаол рақамли медиа;
- медиакоммуникациялар;

- график дизайн;
- реклама ва маркетинг коммуникациялари;
- информатика;
- тадбиркорлик;
- иқтисодиёт;
- халқаро муносабатлар;
- бухгалтерия ҳисоби;
- Европа тадқиқотлари;
- глобал журналистика;
- жамоатчилик билан алоқалар;
- кино, телевидение ва видео ишлаб чиқарилиши.

Магистратура йўналиши бўйича Ахборот технологиялар бошқаруви, Бизнес бошқаруви, Бизнес ва ташкилий хавфсизлик бошқаруви, Таълим ва инновациялар, Менежмент ва лидерлик, Коммуникациялар бошқаруви, Савдо бошқаруви, Медиакommуникациялар, Реклама ва маркетинг коммуникациялари, Таълим ва инновациялар, Таълим технологиялари, Амалий педагогик психология, STEM, Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш, Менежмент ва лидерлик, Экология менежменти, Соғлиқни сақлаш бошқаруви, Суд ҳисоби каби мутахассисликлар бўйича қабул амалга оширилади.

473 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Аёлларни тазйиқлардан ҳимоялаш тўғрисида қонун имзоланди](#) [3]
- [Ҳуқуқшунос жавоблари \(2019 йил, 29 сон\)](#) [4]
- [1 августдан нималар ўзгаради?](#) [5]
- [“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририга қанчалик зарурат бор? \(2019 йил, 28 сон\)](#) [6]
- [Адлия вазирлиги огоҳлантиради: шахсий ҳаёт дахлсиздир!](#) [7]
- [“Фара”ларни ёқиб юриш бўйича талаб икки йилга узайтирилди](#) [8]
- [Олий таълим тизимида қандай ўзгаришлар бор? \(2019 йил, 19 сон\)](#) [9]
- [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек Давлетов нутқидан \(2019 йил, 17 сон\)](#) [10]
- [Форумда иштирок этишни истаганлар сони 800 нафардан ошди \(2019 йил, 16 сон\)](#) [11]
- [Темур тузуклари \(2019 йил, 14 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4664>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/4664>

- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4664>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/5014>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4920>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4911>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4900>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4881>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4835>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4780>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4753>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4730>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4695>